

A.Qodiriy nomidagi Jizzax Davlat pedagogika instituti
Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasi o'qituvchisi Atabaev SHapulat tomonidan
o'tkazilgan ochiq dars
BA Y O N N O M A S I

Jizzax shahri

8.11.2021 y

Qatnashdilar: kafedra mudiri
G.Xolboyeva, boshlang'ich ta'lim
metodikasi kafedrasi professor-
o'qituvchilari.

K U N T A R T I B I:

Boshlang'ich ta'lim metodikasi kafedrasi o'qituvchisi Atabaev SHapulat tomonidan Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi 209- guruhda Tarbiyaviy ishlar metodikasi *fanidan* Iqtisodiy tarbiya berish usullari mavzusida o'tkazilgan ochiq dars muhokamasi.

Eshitildi: kafedra mudiri G.Xolboyeva so'zga chiqib, kafedra o'qituvchisi Atabaev SHapulat tomonidan Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi 404- guruhda Tarbiyaviy ishlar metodikasi *fanidan* Iqtisodiy tarbiya berish usullari mavzusida o'tkazilgan ochiq dars o'tganini va bu darsda o'z oldiga qo'yilgan maqsadga to'liq erishganligini aytib o'tdi. Bundan tashqari o'qituvchining nutq malakasi, texnikasi va yangi pedagogik texnologiyalardan foydalana olish qobiliyati to'g'risida ham to'xtalib o'tdi.

Eshitildi: Ushbu masala yuzasidan kafedra dotsenti Usmonov Abdujabbor so'zga chiqib o'qituvchi SH.Atabaevning mashg'ulotga yaxshi tayyorgarlik ko'rganligi, talabga javob berishini, axborot ko'lamini ko'p qirraliligi, darsga ijodiy yondoshishni, mavzuning maqsadi va vazifalarini talabalar ongiga izchillik bilan uzviy bog'liqlikda bayon qilganini ta'kidlab o'tdi. Bundan tashqari SH.Atabaev darsni uslubiy-texnik jihatdan yaxshi tashkillashtirgan va darsda barcha talabalarni mashg'ulotga jalb qila oldi. Mashg'ulotning texnologik xaritasi, rejasi mavjud va mavzu bo'yicha slaydlar hamda to'liq tarqatma materiallar qilingan.

Qisqacha muhokamadan so'ng yig'ilish quyidagicha

QAROR QILADI:

4. Kafedra o'qituvchisi Atabaev SHapulat tomonidan Boshlang'ich ta'lim yo'nalishi 209- guruhda Tarbiyaviy ishlar metodikasi *fanidan* Iqtisodiy tarbiya berish usullari mavzusida o'tkazilgan ochiq dars mashg'uloti namunali deb topilsin.
5. Ochiq dars oliy ta'lim talablariga javob beradi deb hisoblansin.
6. Kafedra professor-o'qituvchilarining dars tahlillari natijasiga ko'ra o'qituvchi Atabaev SHapulat tomonidan o'tilgan ochiq darsi umumiy 86 ball bilan baholansin.

Yig'ilish raisi:

G.Xolboyeva

Kotibi:

N.Nomozova



Эълон!

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар!

Сизларни 2021 йил 27 ноябр кунини 2-жуфтликда Бошланғич таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси Атабаев Шапулат томонидан 209-гуруҳда Тарбиявий ишлар методикаси фанидан “Иқтисодий тарбия бериш усуллари мавзусидаги очик дарсига таклиф этамиз.

Ўтказилиш жойи: 5-қават 517-хона

Ташкилий қўмита

Оиланинг вужудга келиши меҳнат унумдорлигининг ўсиши билан боғлиқ. Жамият тараққиётининг маълум бир даврида инсонлар меҳнат унумдорлиги ўсиши туфайли жамоадан ажралиб чиқиб, алоҳида яшаш имкониятига эга бўлганлар. Аёл ва эркак биргаликда яшаб, фарзанд кўриб, уларни вояга етказиш, биргаликда меҳнат қилиш, яшаш учун зарур бўлган маҳсулот ишлаб чиқаришни амалга ошириш билан уй хўжалиги вужудга келган. Оила тушунчаси кўп асрлар давомида тубдан ўзгарди. Лекин унинг энг асосий вазифаларидан бири, бу зурриёт қолдириб, уни вояга етказиш, парваришlash, тарбияlash, турли хавф-хатарлардан ҳимоя қилиш кабилар ҳанузгача ўзгаргани йўқ. Ота-оналар фарзандлари учун ҳамма нарсага тайёр, ҳатто ўзларини қурбон қилишдан ҳам қайтмаганлар. Бу ҳақда ҳаётдан жуда кўп мисоллар қелтириш мумкин. Шу ўринда, Ўзбекистон Республикаси Биринчи

Президенти Ислом Каримовнинг «... ҳаммамизга аён бўлиши табиийки, оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарордир»¹, деган фикрлари фикримиз исботидир. Оила – қариндошчилик алоқалари, қондошчилик ҳис-туйғулари орқали боғланган инсон (индивид)ларнинг ижтимоий, маънавий, руҳий, иқтисодий эҳтиёжларини биргаликда қондирувчи кичик гуруҳдир. Оила ўз эҳтиёжларини иложи борича максимал даражада қондиришга ҳаракат қилади ва уни амалга оширади. У ишлаб чиқариш омиллари, ҳеч бўлмаганда меҳнат омили эгаси ҳисобланиб, «инсон капитали»ни такрор ишлаб чиқаришни таъминлайди. Аниқ ҳаётда оила мустақил хўжалик юритувчи бир кишидан ҳам иборат бўлиши мумкин. Анъанавий равишда оила никоҳдан бошланади. Никоҳ жараёни мамлакатнинг тараққиёти, қабул қилинган конституция ва қонун лар, асрлар давомида шаклланган анъана, удумлар асосида амалга оширилган. Деярли барча мамлакатларда оила қуриш учун бирбирини танлаш жараёни ўхшаш бўлиб, мавқеи, билими, дини, ирқи ва бошқа қатор жиҳатлари билан бир-бирига мос келишига эътибор берилади. Шунинг учун ҳам халқимизда «Қозонига яраша қопқоғи», «Тенг-тенги билан, тезак қоғи билан» деган нақл айнан ана шу муносабатларни ифодалайди. Оила доирасида ҳар бир томон маълум бир юмушларни бажаришни ўз зиммасига олади. Деярли барча халқларда анъанавий равишда уй юмушларини бажаришни аёллар, оилани моддий жиҳатдан таъминлашни эркаклар ўз зиммаларига олишган. Ҳозирги тараққиёт бу анъанавий меҳнат тақсимотига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, уни ҳар бир оила эр-хотиннинг хислатларидан келиб чиққан ҳолда ечишга ҳаракат қилади. Оилада ҳар икки томон оила фаолларини вужудга келтириш ва мустаҳкам моддий асосини яратишдан манфаатдордир. Оила ўзига хос инвестицион лойиҳа бўлиб, бир неча йилдан сўнг маълум натижага эришишга қаратилган. Бу жиҳатдан уни ўзига хос бизнесга, инвестицияга ўхшатиш мумкин. Юқорида айтиб ўтилганидек, инсонларни оила бўлиб яшашлари, улар учун рационал бўлиб, унда ҳар икки томон ўз нафлигини максималлаштиради. Бунинг учун инсон якка яшаганга қараганда никоҳда яшашнинг қандай афзалликлари ва камчиликлари мавжудлигини ҳисобга олиб, қарор қабул қилади. Уларнинг энг асосийларига эътибор қаратишга тўғри келади. Оилавий ҳаётнинг муҳим афзалликларидан бири моддий жиҳатдангина эмас, балки руҳий жиҳатдан ҳам қўллаб-қувватловчи, қариганда таянч бўладиган фарзандлардир. Жуда кўпчиликни ўйлантирадиган иккинчи томони эса эркинлик, мустақилликнинг чекланиши бўлиши мумкин. Умуман олганда, одамлар ҳеч қачон эркин эмас, чунки унинг фаолияти, ҳаёти бошқаларнинг ҳаракати, фаолияти билан боғлиқ, доимо уни ҳисобга олиш зарур, оилада эса ана шу ҳолат нисбатан тўғридантўғри ва

кўпроқ бўлса, биргаликда яшагандан сўнг, албатта бир-бирига мослашишни талаб этади. Оилавий масалаларга оид қарор қабул қилинганда одатда оила аъзоларининг фикри ҳам ҳисобга олинади. Одатда, оила аъзолари кўпчилик бўлса қарор қабул қилиш қийинроқ бўлади, узоқроқ муддат талаб этилади, сабаби кўпчилик ўртасида бир фикрга келиб, қарор қабул қилиш қийин. Масалан, оддийгина оилали одам машина олиши учун умр йўлдошининг ҳам розилигини олиши керак. Якка киши эса маблағи бўлса, ўзи истаган нарчасини сотиб олаверади. Ҳаёт кўрсатадики, намунали (идеал) оила аъзолари бир-бирларини ҳурмат қилади, севади. Дунёқараши, кадр-қиммати ўлчови бир-бирига яқин кишилар қурган оила энг идеал оила ҳисобланади. Бундай оилаларда келажакда эл ҳурмат қиладиган комил инсонлар тарбияланади. Аниқ ҳаётда кўп жиҳатлари билан бир-бирига ўхшаш, лекин бир-бирини севмаган ёки аксинча қаттиқ севадиган, дунёқараши, маънавий кадр-қиммати ўлчови жиҳатидан катта фарқ қиладиганлар ҳам оила қуриши мумкин. Кўпинча, маънавий жиҳатдан катта фарқ қилувчилар ўртасидаги никоҳ узоққа чўзилмайди, оила бузилиб кетади. Демак, ёшлар оила қуришда бир-бирларини ана шу фазилатларига диққат қаратишлари лозимлигини уқтириш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида оиланинг жамиятдаги ўрни янада ортади. Оила, яъни уй хўжалиги ниҳоятда мураккаб иқтисодий вазифаларни бажаради. У оилавий бизнес юритувчи, иш кучи-меҳнат омилини такрор яратувчи, яъни инсон капиталига инвестиция қилувчи, зарур даражада истеъмол талабини ҳосил қилувчи ва бошқаларни амалга оширувчи субъект ҳисобланади ва ана шу жараёнда оила жуда кўплаб муаммоларни ҳал қилади. Бозор иқтисодиётида ҳар бир оиланинг ўз манфаатларини кўзлаши юқори даражада бўлса-да, оилада қариндошчилик мажбуриятлари, қариндошчилик алоқаларида беғаразлик, ҳолис ёрдам бериш кучлидир. Фирмалар, корхоналар, ташкилотлар ўртасидаги алоқалар эса ички ва ташқи муносабатлар орқали амалга оширилади. Оила – уй хўжалиги фирмалар, корхоналарга ресурслар, яъни ишчи кучини етказиб беради. Фирмалар оилани товар ва ҳизматлар билан таъминлайди. Оиланинг ресурслари эвазига даромадлари истеъмол харажатларига тенг бўлиши керак. Даромад билан харажат тенглиги бутун иқтисодиётга хосдир. Бизга маълумки, бозор иқтисодиёти доиравий айланишида оила ёки уй хўжалиги турлитуман вазифаларни бажаради. У жамият фаолиятининг барча жабҳаларини қамраб олади ва жамиятда юз бераётган иқтисодий-ижтимоий жараёнларнинг йўналишини белгилаб беради. Оиланинг жамиятда тутган ўрни, у бажарадиган вазифаларда намоён бўлади. Оиланинг бош вазифаси фарзанд тарбияси, уни комил инсон қилиб вояга етказишдир. Авлод давомчиси, иқтисодиёт учун иш кучи ва меҳнат омили такрор яратилади. Бошқача

иқтисодий термин билан айтганда, инсон капиталига инвестиция қилиш жараёни нуқтаи назаридан, фарзанд тарбияси билан шуғулланиш жараёнини қўидаги уч жиҳатларга ажратиш мумкин (1-расм): 1. Оилада моддий базанинг яратилиши. 2. Оилада фарзанднинг дунёга келиши ва унинг тарбияси. 3. Билим олиш ва касб-ҳунар ўрганиш. Оилада моддий базанинг яратилиши шундан иборатки, унда янги қурилган оиланинг моддий базаси яратилади. Яъни уй хўжалиги юритилиб, оиланинг даромади шакллантирилади. Ўзбекистонда бу жараён кўпинча мустақил эмас, балки ота-онанинг кўмагида амалга оширилади. Ота-она ўз фарзандини ўйлайди, беминнат ёрдам беради ва қўллаб-қувватлайди. Янги қурилган оиланинг кўпинча ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан ота-онанинг кўмагига таяниши бир томондан янги оиланинг тажрибасизлигидан келиб чиқадиган муаммоларини ечишга ёрдам берса, иккинчи томондан бу жараённинг чўзилиб кетиши, уларнинг мустақил равишда муҳим қарорлар қабул қилиши, масъулиятни зиммасига олиши ва уни натижаси учун жавоб беришини чеклайди. Ҳамма нарса ўз-ўзидан бўлаётгандай туюлиб, ёш оила учун ҳаёт кечиришнинг осон йўлига ўтиб, кейин келажакда қаттиқ қийналиши мумкин. Оилада фарзанднинг дунёга келиши ва унинг тарбиясида ёш оилада фарзанд кўриш, уларни тарбиялаш ва вояга етказиш амалга оширилади. Инсон капиталининг табиий асоси яратилади. Фарзанд инсонга чексиз бахт, қувонч, ҳис-туйғу, шодлик олиб келади ва уни бошқа ҳеч қандай неъмат билан таққослаб бўлмайди. Туғилган фарзанднинг келажакда қандай инсон бўлиши фақат ирсиятнинг натижаси эмас, балки унинг соғлиғи, таълим-тарбияси, иродаси, феъл-атвори, шароитга мослашиши, муҳими ижтимоий таълим-тарбиянинг мураккаб натижаси бўлиб юзага чиқади. Ҳар бир ота-она ўз оиласи учун жамият олдида жавобгардир. У қонун йўли билан эътироф этилган. Шунинг учун ота-оналар фарзандларига нисбатан маълум даражада ҳокимият ушлаб туриши ҳамда ўз оиласи олдида обрўга эга бўлиши керак. Оила аъзолари ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазаланган жамиятнинг аъзоси бўлсалар-да, ота-оналар ва фарзандларининг оилада тутган ўрни тубдан фарқланади: энг аввало, биринчилари оила бошқарувчилари, иккинчилари эса оиладаги тарбияланувчилар ҳисобланади. Ҳар бир ота-она билиши, аниқ кўз олдида келтириши керакки, у оилада хоҳлаганини қила олмайди. Улар айнан фарзандларини тарбиялаши, вояга етказиши учун масъулдир. Билим олиш ва касб-ҳунар ўрганишда оилада тарбияланаётган фарзанд билимли, касб-ҳунарли бўлиб вояга етиб, оилада шу ўрганган билими, қобилияти, эгаллаган касбҳунарини ҳаётга татбиқ этишни ўрганади. Фарзанд кўриш ва уни тарбиялашда йўл қўйилган ёки қўйилмайдиган хато ва камчилик ларнинг оқибати аянчли бўлади. Айниқса, фарзандни туғилганидан вояга етказиш

даврида ота-онанинг ҳаёт тажрибасининг камлиги ҳам салбий таъсир кўрсатади. Бунда, одатда, фарзандга тарбия беришда бобо, бувиларининг ёрдами ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Чунки бобо-бувилар катта ҳаёт тажрибасига эга бўлиб, ўзлари йўл қўйган хатокамчиликларини фарзандлари такрорламасликлари учун ҳаракат қилишади. Фарзандлар ўз ота-оналарини қариганларида ёлғизлатиб қўймасликлари, уларни парваришлашлари лозим. Бу жиҳатдан қараганда, фарзанд ота-она учун ўзига хос «суғурта» вазифасини ўтайди. Ҳозирги пайтда пенсия, ижтимоий суғурта кабилар мавжудки, айниқса Ғарбда кўп ота-оналар фарзандларидан кўра ҳам ана шуларга таянишади. Умуман олганда, ота-оналар бу муаммога рационал нуқтаи назардан ёндашишга ҳаракат қилишади. Бунда фарзанд тарбиялашга сарфланган ва сарфланадиган харажатлар ҳамда ота-оналарнинг маълумотлари муҳим ҳисобланади. Бунинг асосий сабабларини қуйидагиларда кўриш мумкин: 1. Ота-она учун фарзанд тарбиясига қарагандан ҳам юқорироқ баҳоланадиган нарса борми-йўқми, шунга аҳамият қаратиши. 2. Маълумоти юқори бўлган сари аёлнинг фарзанд кўриш эҳтимоли йилдан-йилга пасайиб бориши. 3. Маълумоти юқори бўлган ота-оналар ўз фарзандларини талаб даражасида яхши тарбиялаши, фарзанд билиши зарур бўлган назарий ва амалий маълумотларни осонлик билан тушунтириб бериши, уларнинг билим олиши, дунё сирларини ўрганиши, касб-ҳунарлар эгаллашига қизиқтириш имкониятларининг катта бўлиши мад (жамғарма) ҳам оила учун ана шундай фонд бўлиб ҳисобланади.

1. Одамлар нима сабабдан маблағларини сарфлашлари тушунарли, лекин нима сабабдан жамғарадилар? Бунинг сабаблари жуда кўп. Улардан энг асосий 3 тасини кўрсатишимиз мумкин (2-расм): 1. Келажакда кўп маблағ талаб қиладиган нарсани сотиб олиш учун. Одамлар жорий харажатларни деярли ҳар куни амалга оширадилар. Олинган даромад ҳаммаси бир кунда сарфланмайди. Унинг маълум бир қисми ой давомида сақланади (нақд пул ёки кредит карточкасида), қатор нарсаларни бир ойлик топилган даромадга сотиб олиш қийин, шунинг учун пул тўплаш керак. 2. Ҳар эҳтимолга қарши (суғурта). Инсонлар доимо келажак ҳақида ўйлашади. Келажакда камроқ даромад олишлари ёки қўшимча харажатлар қилишларига тўғри келиши мумкин. 3. Даромад олиш учун. Жамғарма, инвестиция манбаи ёки капитал ўзи нима? Даромад келтирадиган фаол, қўшимча даромад топишга интилиш жамғариш учун муҳим стимул бўлиб ҳисобланади. Жамғарма қандай шаклларда бўлиши мумкин? Агар мамлакатда молиявий институтлар ривожланмаган бўлса, одамлар жамғармаларини қандай шаклда сақлашади? Биринчи навбатда, нақд пул шаклида. Сабаби, унинг ликвидлиги энг юқори, лекин энг катта камчилиги – инфляция туфайли қадрсизланади. Шунинг учун кўпинча одамлар пулини

ишончли чет эл валюталарида сақлашга ҳаракат қиладилар. Агар инфляция унча кучли бўлмаса ва пул яқин орада сотиб олиниши лозим бўлган нарсага йиғилаётган бўлса, миллий валютада сақланади. Иккинчидан, қимматбаҳо кўчмас мулк, антиквариатлар (уй-жой ва ҳоказо), қимматбаҳо зеб-зийнатлар шаклида сақлаш мумкин. Улар ҳеч бўлмаса номинал қийматини сақлайди ёки нархи кўтарилади. Уларни сақлаш керак, сақлаш эса қўшимча харажатларни талаб қилади. Ликвидлиги паст, тезда нақд пулга айлантириш қийин. Учинчидан, капиталга айлантиришга ҳаракат қилиш, ўз бизнесини очиш. Бу ерда молия бозори ёки банклар ва бошқа молиявий муассасаларнинг вужудга келиши шахсий жамғармани кўпайтириш, даромад топишнинг янги янги имкониятларини вужудга келтиради. Лекин юқори даромад орқасида риск (таваккалчилик) ҳам юқори даражада бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида жамғармани сақлашнинг турли-туман йўллари мавжуд. Агар қарилик пайтига пул йиғиш керак бўлса, пенсия фонди, ҳаётни турли ҳодисалардан суғурта қилдириш, исталган турдаги қимматли қоғозларни сотиб олиш мумкин. Молия, банк муассасалари аҳоли пулини жамғариш учун кўрсатилаётган хизматлари қулай ва фойдалидир. Молия институтлари бу пулларни бизнесга йўналтиради, эгасига ҳам даромад келтиради. Уйда пулни сақлаш, қўриқлаш ташвишларидан ҳоли қилади. Ота-она ўз фарзандларининг биринчи тарбиячиси ҳисобланади. Фарзанд хулқининг шаклланиши ва унинг умумий камол топишида уларнинг таъсири ғоят катта. Фарзанд ўз ота-онасини ҳаммадан яхши, ҳар қандай ишнинг уддасидан чиқадиган деб ҳис этади. Фарзанд қанчалик ёш бўлса, катталар хулқатвориغا шунчалик эргашувчан бўлади. Шунинг учун ўз фарзандига ота-она тарбия берар экан, уларга қўйидаги тарбия методлари орқали таъсир кўрсатади: – сўз орқали тарбиялаш (тушунтириш, ҳикоя, суҳбат, савол-жавоб, намуна, ўртак кабилар); – амалий, яъни таълим-тарбия олувчиларнинг бандлигини таъминлаш, бунда бирор бир машғулот, интеллектуал салоҳиятларни оширишга қаратилган ҳунар, спорт, мусиқа тўгаракларига йўналтириш орқали таъсир этиш кабиларга жалб қилиш; – рағбатлантириш ва жазолаш. Ушбу усуллар орқали тарбияланувчининг онги, иродаси, ҳис-туйғулари ва муносабатлар тизимига таъсир этилади. Айниқса, болаларнинг мурғак қалбига ҳеч бир нарса ибратдек кучли таъсир этмайди ва барча ибратлар ичида ота-она ибратидан кўра чуқурроқ ва мустаҳкамроғи йўқ. Шунинг учун доно халқимизда «Қуш уясида кўрганини қилади», деб бежиз айтилмаган. Иқтисодий тарбия билан эса асосан оилада ота-оналар шуғулланишади. Тарбия натижасида фарзанд оилада қўйидаги юмушларни ўзлаштиради: ● ота-онасининг уй-рўзғор ишлари, бозорўчарларида ёрдам бериш; ● пулга бўлган муносабатларда, яъни отаонанинг топган маошлари, олиб берган кийим-кечакларининг қадрига етиш; ● озиқ-овқатни исроф

қилмаслик, тежамкорлик; ● меҳнат қилиш, меҳнатдан завқланиш. Мана шу даврда уларда дастлабки иқтисодий тасаввурлар пайдо бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ёш болалар оилада содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга табиатан тез мослашувчан бўладилар. Демак, ёшлиқдан тўғри йўналтирилган тарбия, келажакда ўсиб келаётган ёш боланинг ҳар томонлама камол топишига катта таъсир кўрсатади. Унда табиат берган фазилатлар асосида тежамкорлик, меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик, иқтисодий ҳисоб-китоб каби хислатларга тамал тоши оилада қўйилади. Кейинчалик у умумий ўрта таълим мактабларида, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларида, қолаверса, олий таълимда ҳам ривожлантирилади. Бола тарбияси ва унинг натижаси ҳам шахсий, ҳам ижтимоий манфаат, аҳамият касб этади. Яхши тарбия оила учун қувонч, бахтсаодат, руҳий баркамоллик, иқтисодий бойлик келтирибгина қолмай, жамият учун ҳам фойда келтиради ва шу тўғрисида иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маънавий аҳамиятга эга ҳисобланади. Оила иқтисодиёти, унинг фаровонлиги оилада меҳнатга лаёқатли аъзолар мавжудлиги, уларнинг тадбиркорлиги, билими, иқтидорига кўп жиҳатдан боғлиқ. Оила иқтисоди меҳнат билан топилган мол-мулк ҳамда тежамкорлик йўли билан йиғилган моддий неъматлардан иборат бўлгани сабабли, ана шу неъматларни яратишда иқтисодий билим муҳим ўрин тутаяди. Иқтисодий билим шахснинг нафақат ўзи ва оиласига, айни пайтда халқнинг фаровонлигини таъминлашга ҳам хизмат қилади. Бола тарбияси ота-онанинг суҳбати, болалари билан мулоқотида, ўйин ўйнашида, унга раҳбарлик қилиш жараёнида амалга ошади, деган фикр мавжуд. Лекин хўжалик юритишда қатнашиш алоҳида аҳамиятга эга. Чунки нафақат ҳалол, яхши одам, балки келажакда яхши хўжалик юритувчи инсон тарбиялашимиз зарур. Бола ота-онасини қаерда ишлаши, бу ишнинг қандай машаққатли экани, қандай қилиб муваффақиятларга эришиш мумкинлигини ҳис қилиши, билиши керак. Умуман олганда, бола ота-онаси ишлаб топаётган пул ҳамма нарсани олиш учун зарур нарса эканлиги билан бирга уни топиш учун кўп меҳнат қилиш кераклигини ҳам билиши керак. Энг аввало, болаларни уй юмушлари, уй хўжалигидаги турли ишларни бажаришга жалб этиш керак-ки, бу уларнинг ота-оналари меҳнатларининг қадрига етишларида ёрдам беради. Меҳнатни қадрлашнинг муҳим кўриниши тежамкорликдир. Тежамкорлик жонкуярликнинг ўзига хос жиҳати бўлиб, агар жон куярлик кўпроқ инсоннинг ўй-хаёлида бўлса, тежамкорлик айнан унинг одатида намоён бўлади. Жонкуяр инсон бўлиш, лекин шу билан бирга тежамкор бўлмаслик мумкин. Шунинг учун ёшлиқдан бошлаб оилада ана шу фазилатни тарбиялаш керак. Бу фазилат, энг аввало, овқатланишдан бошланади. Овқатни тўкмай, исроф қилмасдан ейиш, ўйинчоқларни бузмай ўйнаш, кийимларни ифлос

қилмасликка одатлантириш лозим. Болани тежамкорлик қилгани учун рағбатлантириш лозим. Уларни нафақат ўзини, балки бошқаларнинг нарсаларини, айниқса, атроф-муҳитни асраб-авайлашга ўргатиш зарур. Инсон меҳнати билан улуғ, кишилик жамиятининг асл тарихи ҳам меҳнатдан бошланган. Билимларни эгаллаш ва ҳунар ўрганиш учун ҳам меҳнат қилиш зарур. Меҳнатга тайёрлаш, инсонда меҳнатсеварлик фазилатини шакллантириш нафақат инсоннинг келажаги, қолаверса мамлакат келажагини ҳам белгилайди. Меҳнат қилиш фақат заруриятдан, муҳтожликда қолмаслик учун ҳаракатдангина иборат бўлмай, у ижодий бўлиши, қувонч, қониқиш, ғурурланишга олиб келишини ҳис этиш муҳим аҳамиятга эга. Меҳнатга ўргатиш туфайли нафақат касб-ҳунар эгаси тарбияланади, балки атрофдаги инсонлар, нарсаларга муносабат ҳам тарбияланади. Меҳнат инсоннинг нафақат жисмонан, балки руҳий, маънавий жиҳатдан ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Болани меҳнатга ёшлигидан оилада ўргатиш керак. Иқтисодий фаолиятнинг асосини меҳнат ташкил этар экан, демак, меҳнат иқтисодий тарбиянинг ҳам асосидир. Болага дастлаб оилада ўйинлар орқали ўйинчоқларини бузмаслик, озода сақлаш, тартибга солиш кабилар ўргатилса, кейинчалик у уй хўжалигидаги мавжуд ишларни бажаришда ёрдамлашиш, ҳовли супуриш, сув келтириш, чангларни артиш, пол ювиш, идиш-товоқлар ювиш, уй ҳайвонларига қараш ва ҳоказолар орқали меҳнатга жалб қилинади. Шаҳарга қараганда қишлоқ жойларда болаларни меҳнат билан банд қилиш йўллари кўп бўлса-да, ҳар бир оила қаерда яшашидан қатъий назар, бола ларни меҳнат билан банд қилиш учун улар бажарадиган ишларни етарли даражада топиш мумкин. Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, оила – қариндошчилик алоқалари, қондошчилик ҳис-туйғулари орқали боғланган инсон (индивид)ларнинг ижтимоий, маънавий, руҳий, иқтисодий эҳтиёжларини биргаликда қондирувчи кичик гуруҳи. Оиланинг жамиятда тутган ўрни у бажарадиган вазифаларда намоён бўлади. Оила даромади – оиланинг даромадлари ва харажатларининг (сметаси) баланси оиланинг ўз вазифаларини бажаришни молиявий таъминлаш мақсадида пул маблағларини тўплаш ва сарфлашнинг мувозанатидир. Ота-оналар фарзандларига буни тушунтиришлари, уларга оила даромадлари ва харажатлари ҳақида тушунча бериб боришлари тақозо этилади.

Адабиётлар рўйхати:

1. Сарсенбаева Р.М. Иқтисодий фанларни ўқитишда қўлланиладиган интерактив методлар. / Ўқув-методик қўлланма. – Т.: ТМИ, 2015.
2. Тожибоева Д. Иқтисодий педагогика. / Ўқув қўлланма. – Т.: «Fan va texnologiya», 2007. –242-б.